

DOI: 10.5281/zenodo.15745046

Link: <https://zenodo.org/records/15745046>

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО САВДО МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ИШТИРОКИНИ РАЎБАТЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Худайбердиев Отабек Абсаломович

Наманган давлат техника университети, "Иқтисодиёт" кафедраси асистиенти

khudayberdievotabek@umail.uz

+998913402006

Аннотация. Мазкур мақолада тадбиркорлик субъектларининг ташқи бозорларга чиқиши ва давлат томонидан уларни экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти таҳлил этилган. Жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув ва кучайиб бораётган рақобат шароитида тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш орқали иқтисодий ўсишга эришиш муҳим вазифалардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Мақолада экспортни рағбатлантириш бўйича халқаро тажриба, давлат қўллаб-қувватлаш институтларининг вазифалари, экспортга чиқишдаги тўсиқлар ва уларни бартараф этиш усуллари кенг ёритилган. Шунингдек, иқтисодий сиёсатда КҲТ субъектларининг иштирокини фаоллаштириш ва уларнинг халқаро бозордаги рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик субъектлари, давлат қўллаб-қувватлаш, халқаро бозор, рақобатбардошлик, молиявий ресурслар, иқтисодий барқарорлик.

I. Кириш.

Жаҳон савдоси ва глобал иқтисодиётдаги бекарорлик шароитида миллий экспортчиларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг халқаро бозордаги позицияларини мустаҳкамлаш масаласи айни пайтда ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Охириги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилган инқирозли жараёнлар халқаро товар айирбошлашга ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Бу ҳолат кўплаб давлатларнинг иқтисодий сиёсатдаги устувор йўналишларини қайта кўриб чиқишга, хусусан, миллий корхоналарнинг экспорт фаолиятига эътиборни кучайтиришга олиб келди.

Миллий корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятини, жумладан, кичик ва ўрта бизнес субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими турли мамлакатларда XX асрнинг ўрталарида шакллана бошлаган. Бироқ ушбу тизим тўлиқ шакл ва мазмун касб этишига 1990-йилларда эришилган. Бугунги кунда ҳам ушбу давлат механизми корхоналарнинг халқаро бозорларга чиқишида муҳим омил сифатида фаол ишламоқда.

Тадбиркорларни давлат молиявий қўллаб-қувватлаш масаласи алоҳида эътиборга лойиқдир. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолияти ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутди. Глобаллашув ва кучайиб бораётган рақобат шароитида тадбиркорлик субъектларининг ташқи бозорларга чиқиши нафақат уларнинг ўзи, балки бутун миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва ривожланишида ҳал қилувчи омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Турли даврларда жаҳон мамлакатларидаги давлат ва нодавлат институтлари тадбиркорларнинг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлашга

қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириб келган. Аммо ушбу фаолият самарадорлигини тўлиқ ва тизимли баҳолаш етарли даражада йўлга қўйилмаган. Кўпгина давлатлар тадбиркорлик субъектлари учун турли экспортни рағбатлантирувчи дастурлардан фойдаланган бўлса-да, бу дастурлар кутилган даражада фойда бермаган. Бунинг асосий сабабларидан бири – миллий меъёрий-ҳуқуқий базанинг халқаро талабларга мос келмаслиги ҳамда давлат бошқаруви тизимининг самарасизлиги ҳисобланади. Ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат сиёсатининг етарли даражада самарали эмаслиги, шунингдек, бюрократик тўсиқлар, айниқса, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари учун, ташқи бозорларга илк бор чиқиш жараёнида солиқ, валюта ва молия жиҳатдан қатор қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Шу боис, экспортга йўналтирилган тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда давлат сиёсатини тубдан такомиллаштириш ва унинг амалий самарадорлигини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Кўплаб мамлакатларда давлат кичик ва ўрта бизнес сегментига алоҳида эътибор қаратади ҳамда уларнинг ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишлари учун рағбатлантирувчи шарт-шароитларни яратади. Бундай сиёсий ва институционал эътиборнинг сабаблари икки муҳим омилга боғлиқ. Биринчидан, жаҳон савдосининг изчил ривожланиши натижасида кўплаб мамлакатларда ялпи ички маҳсулотда экспорт ва импорт улуши ортиб бормоқда. Иккинчидан, КЎТ субъектларининг экспорт фаолиятини рағбатлантириш орқали янги иш ўринлари яратилади ва инвестиция ресурслари қайта тақсимланади, бу эса мамлакат иқтисодиётининг умумий ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Шунини таъкидлаш жоизки, айрим мамлакатларда ҳозирги кунгача ҳам кичик ва ўрта бизнес субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларининг самарадорлигини тизимли баҳолаш амалиёти йўлга қўйилмагани долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Мавжуд илмий адабиётларда тадбиркорлик субъектлари ҳамда бошқа экспортчиларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича тадқиқотларга турли вақтларда дуч келиш мумкин. Бундай баҳолашлар, одатда, давлат томонидан экспортни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағлар билан корхоналарнинг экспорт ҳажми ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш орқали амалга оширилган. Лекин тадқиқот натижалари ҳамма вақт яқдил ва мустаҳкам ҳулосаларни тақдим этмаган. Аксарият ҳолатларда экспортни рағбатлантириш харажатлари ва экспорт савдоси ўртасида ижобий боғлиқлик кузатилган бўлса-да, айрим ҳолатларда бундай боғлиқлик исботланмаган. Шунга қарамадан, давлатнинг экспортни қўллаб-қувватлашга қаратилган молиявий харажатлари самарадорлигини аниқлашда айнан шу услуб – яъни харажатлар ва натижалар ўртасидаги муносабатни ўрганиш – амалиёт учун энг аҳамиятли ва қўллашга яроқли усул ҳисобланади.

II. Адабиётлар таҳлили.

Экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш назариясига оид умумий масалалар, жумладан, молиявий ёрдамнинг самарадорлик даражасини аниқлаш

масалалари қатор таниқли олимларнинг илмий ишларида кенг ёритилган. Жумладан, Т. Сингер, М. Котабе, М. Цинкота, А. Панагария каби мутахассислар бу соҳада муҳим назарий ва амалий хулосаларни илгари сурганлар.

Кичик ва ўрта бизнесни экспорт соҳасида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатлари ҳамда экспорт ҳажми ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масаласи илмий адабиётларда 1980-йиллардан бошлаб фаол ўрганила бошланган. Бу борада дастлабки тадқиқотчилардан бири Ж. Денис ва Д. Депелтэу ҳисобланади. Улар ўз ишларида, биринчи навбатда, экспортчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ташкилий ва ахборот-таълим чораларини молиялаштириш зарурлигига алоҳида урғу беришган.

Кейинчалик бу мавзудаги изланишларни Ф. Серингаус, П. Россон, Е. Генцтюрк, М. Котабе, Л. Лэйгс, Д. Монтгомери, Д. Чокар ва Б. Кедиа сингари олимлар давом эттиришди. Улар экспортни қўллаб-қувватлаш дастурларига йўналтирилган харажатлар билан экспорт сотувлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлашда иқтисодий-статистик усуллар, хусусан, эконометрик таҳлиллардан фойдаланишган.

Ушбу методологияни ўз тадқиқотларида М. Хамминг, Д. Джоунс, Ц. Кафлин, П. Картрайт, Б. Арма, Д. Эпперсон, А. Акъол ва Д. Акхарст ҳам қўллашган. 2000-йилларга келиб, мазкур йўналишдаги тадқиқотларни янада чуқурлаштириб, Давлат экспортни қўллаб-қувватлаш дастурлари (ЭҚД) харажатлари билан экспорт натижалари ўртасидаги боғлиқликни Д. Хьюстон, Х. Кайзер, Д. Лиу ва М. Адикари сингари мутахассислар изчил ўрганган.

III. Натижаларининг муҳокамаси. Кичик ва ўрта бизнес замонавий иқтисодий тараққиётнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучларидан бири сифатида эътироф этилади. Тадбиркорлик субъектларининг юқори даражадаги мослашувчанлиги ва ташқи иқтисодий муҳитдаги ўзгаришларга тезкор жавоб қайтариш қобилияти уларга янги иш ўринлари яратиш, шунингдек, умумий иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим рол ўйнаш имконини беради. КЎБ турли даража ва шаклларда халқаро иқтисодий муносабатларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Халқаро савдо алоқалари иқтисодий барқарорликни таъминловчи асосий омиллардан бири сифатида қаралади. Халқаро савдо айирбошлаганининг ривожланиши, аввало, ишлаб чиқариш салоҳиятининг фаол ўсиши натижасида юзага келган. Бироқ глобаллашув жараёнлари, халқаро молиявий оқимлар ва жаҳон товар айирбошлаганининг кенгайиши шароитида, айниқса кичик ва ўрта корхоналар ўзларининг ташқи бозорлардаги тўлиқ салоҳиятидан фойдалана олмаяпти. Бу ҳолат, асосан, экспортга чиқишдаги мотивациянинг етишмаслиги, ташкилий-менежмент имкониятларининг чекланганлиги, шунингдек, инсон ресурслари ва молиявий воситалар танқислиги билан изоҳланади.

Шу муносабат билан, кичик ва ўрта бизнес фаолиятидаги тўсиқ ва муаммоларни бартараф этишга қаратилган қатор давлат ва хусусий ташаббуслар ишлаб чиқилган. Сабаби шундаки, КЎК субъектларининг халқаро фаолиятини кенгайтириш нафақат уларнинг ўз ривожи учун, балки мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши, рақобатбардошлигини ошириш ва узоқ муддатли иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис, кўплаб мамлакатлар ҳукуматлари тадбирокрлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ташқи бозорларга чиқишини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнес дунё мамлакатларида, хусусан, ривожланган ва ривожланаётган иқтисодиётларда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Аксарият ривожланаётган давлатларда кичик ва ўрта бизнес ишлаб чиқариш тизимининг асосий таянч тузилмаларидан бири бўлиб, аҳоли бандлигини таъминлаш ва маҳаллий иқтисодий салоҳиятни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшмоқда. Кичик ва ўрта корхоналар улкан салоҳиятга эга бўлиб, яқин истиқболда уларнинг ишлаб чиқариш ва экспорт жараёнларидаги ўрни янада ортиб бориши кутилмоқда.

Маълумки, экспорт фаолияти корхонанинг муваффақиятли ривожланишида ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Бу ҳолат кичик ва ўрта бизнес субъектларига ҳам тўлиқ тааллуқлидир. Кўплаб омиллар мавжудки, улар кичик ва ўрта бизнес вакиллари ташқи бозорларга чиқиш ва экспорт ҳажмини оширишга ундайди. Айрим тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини бошиданок халқаро савдо операцияларини амалга ошириш мақсадида ташкил этади. Жаҳон бозорида иштирок этиш корхоналар рақобатбардошлигини кучайтиради ва уларни инновацион ёндашувларни қўллашга мажбур этади.

Қуйида кичик ва ўрта бизнеснинг экспорт фаолиятини кенгайтиришга рағбатлантирувчи асосий омилларни кўриб чиқилган:

- Биринчи омил — ички бозор доирасидан ташқарига чиқишга бўлган интилиш. Бу ҳолат, аввало, бизнесни диверсификация қилиш ҳамда миллий иқтисодиётдаги вақтинчалик ноаниқлик ва иқтисодий силкинишлардан ҳимоя қилиш эҳтиёжи билан изоҳланади. Экспорт орқали КЎТ субъектлари ўз фаолиятини кенгайтириш ва хавфларни камайтириш имконига эга бўлади.

- Иккинчи омил — экспорт кичик ва ўрта корхоналарга йирик экспортчи компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш имкониятини яратади. Бунда КЎТ субъектлари ташқи бозорда йирик корхоналар учун муайян турдаги маҳсулотларни етказиб берувчи сифатида иштирок этишлари мумкин. Бу эса уларнинг халқаро иқтисодий тизимга интеграциялашувини таъминлайди.

Шу билан бирга, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ташқи бозорларга чиқиш жараёнида бир қатор муаммоларга дуч келиши мумкин. Аввало, бундай муаммолар қаторига хорижий бозорлар тўғрисидаги маълумотларнинг етарли эмаслиги, молиявий ресурслар танқислиги, шунингдек, экспорт фаолиятини ташкил этишда юзага келадиган ташкилий қийинчиликлар киради.

Саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатлар ҳукуматлари тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли хил экспортга кўмак дастурларини амалга оширмоқдалар. Бундай дастурлар молиявий ёрдам кўрсатиш, хорижий бозорлар ҳақида ахборот тақдим этиш, шунингдек, бизнеснинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга қаратилган хизматлар (экспорт консалтинг хизматлари, халқаро шартномалар бўйича ҳукукий ёрдам ва ҳимоя) кўринишида бўлиши мумкин.

Хусусан, миллий компаниялар манфаатларини халқаро миқёсда ҳимоя қилиш масалалари, яъни экспортчи билан хорижий харидор ўртасидаги экспорт шартномаси шартларига оид низоли вазиятларда давлатнинг ҳуқуқий кўмаги алоҳида аҳамият касб этади. Давлатнинг экспортга қаратилган сиёсатига иқтисодий асос сифатида кичик ва ўрта бизнесда банд бўлган аҳоли улушининг катталиги кўрсатилади. Улар мамлакатдаги сайлов жараёнларининг фаол иштирокчилари ҳисобланади ва бу ҳам сиёсий нуқтаи назардан давлат қўллаб-қувватлашини талаб этади. Экспорт фаолиятининг дастлабки босқичларида кўплаб тадбиркорлик субъектлари молиявий ва ташкилий ресурслар камлиги, шунингдек, ходимлар малакасининг етарли эмаслиги каби тўсиқларга дуч келади.

Тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватловчи миллий институтларни ривожлантириш мамлакатда ушбу бизнес сегментининг самарали ривожланишини таъминлашда асосий шартлардан бири ҳисобланади. Бу талаб, ҳам фаолият юритаётган кичик ва ўрта бизнес субъектларига, ҳам ташқи бозорларга илк бор чиқишни режалаштираётган янги корхоналарга тааллуқлидир.

Шубҳасиз, давлатлар тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус институтларни ташкил этиши лозим. Ушбу институтлар фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- экспорт фаолиятига дахлдор ҳуқуқий-меъёрий талаблар, халқаро стандартлар, солиқ ва божхона тизими, бозорнинг хусусиятлари тўғрисида зарур ахборотни тақдим этиш;
- бизнес-режалаштириш, маркетинг стратегияси, молиявий ҳисобот, маҳсулот сифатини назорат қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- янги ташкил этилган КЎБ субъектлари ва инновацион корхоналар учун ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш;
- хорижий ҳамкорларни излашда амалий ёрдам кўрсатиш.

Ушбу вазифаларни самарали амалга оширадиган миллий экспорт қўллаб-қувватлаш институтлари нафақат тадбиркорликни рағбатлантиради, балки мамлакат иқтисодиётининг халқаро рақобатбардошлигини ҳам сезиларли даражада оширади.

IV. Хулосалар.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини рағбатлантириш — миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Экспорт фаолияти тадбиркорлик субъектлари учун ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, янги бозорларга чиқиш ва инновацион ечимларни жорий этиш имконини беради. Бироқ, ташқи бозорларга чиқишда улар қатор муаммо ва тўсиқларга дуч келмоқда — молиявий ресурслар етишмаслиги, маълумот танқислиги, ташкилий имкониятларнинг чекланганлиги ва кадрлар салоҳиятининг етарли эмаслиги шулар жумласидандир.

Мазкур муаммоларни самарали ҳал этиш учун давлат томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган экспорт

институтларини ривожлантириш, ахборот ва консалтинг хизматларини кучайтириш, молиявий кўмак механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, халқаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш зарур. Кўплаб ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлатнинг мақсадли экспорт сиёсатини олиб бориши тадбиркорлик субъектларининг ташқи бозорда фаол иштирок этишига хизмат қилади. Шу сабабли, Ўзбекистонда ҳам кичик ва ўрта бизнеснинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган институтчионал ва молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

V. Фойдаланилган адабиётлар

1. Сингер, Т. Экспортни рағбатлантириш ва давлат сиёсати. Халқаро маркетинг журналы, 2022. 104 бет.
2. Котабе, М. Давлат ҳукумати ишлаб чиқариш экспортини рағбатлантириш: бўшлиқларни таҳлил қилиш. Халқаро бизнес тадқиқотлари журналы. 2016. 82 бет.
3. Panagariya, A. Export growth and trade policy in developing countries. Columbia University Working Paper. 2000.
4. Seringhaus, F. H. Export development and promotion: The role of public organizations. Springer. 2018.
5. Gencturk, E. F., The effect of export assistance program usage on export performance: A contingency explanation. Journal of International Marketing, 2021.
6. Adikari, M., Export promotion and the role of government support programs. 2020.
7. Спартак А.Н. Государственная поддержка экспорта в России: проблемы и перспективы. Институт экономики РАН. 2002.
8. Приходько С.В., Роль институтов в поддержке внешнеэкономической деятельности МСП. // Вестник экономики, 2015. №4.
9. Лапуста М.Г., Малое предпринимательство и экспорт: современные вызовы. Москва: Инфра-М. 2020.